

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**АЛИЕВ ДИЛМУРОД ДАВРОНОВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ ФИЗИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**03.00.08-Одам ва ҳайвонлар физиологияси;  
16.00.02-Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси.  
Ветеринар акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд–2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Алиев Дилмурод Давронович**

Сурхондарё сур қоракўл қўйлари маҳсулдорлигини оширишнинг физиологик жиҳатлари ..... 3

**Алиев Дилмурод Давронович**

Физиологические аспекты повышение продуктивности каракульских овец Сурхандарьинского сура ..... 27

**Aliev Dilmurod Davronovich**

Physiological aspects increasing the productivity of the karakul sheep of the Surkhandarya sura..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
Listof published works..... 55

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**АЛИЕВ ДИЛМУРОД ДАВРОНОВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ ФИЗИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**03.00.08-Одам ва ҳайвонлар физиологияси;  
16.00.02-Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси.  
Ветеринар акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд–2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/B92 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти ҳамда Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.samvmi.uz](http://www.samvmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Раҷамуродов Зайниддин Турапович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Юнусов Худайназар Бекназарович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ширинова Инобат Анваровна**  
биология фанлари доктори

**Иззатуллаев Зувайд**  
биология фанлари доктори, профессор

**Бакиров Бахтияр**  
ветеринария фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ветеринария илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019 V.12.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «21» 12 соат «10<sup>00</sup>» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: samvmi@edu.uz)


Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14288 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «09» 12 куни тарқатилди.  
(2021 йил «09» 12 даги № 45 рақамли реестр баённомаси)



  
**А.С. Даминов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, вет.ф.д., профессор

  
**Ш.Х. Қурбанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.н., доцент

  
**Қ.Н. Норбоев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида чорвачиликни, хусусан қорақўлчиликни ривожлантиришнинг ҳозирги давр босқичида аҳоли иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат, sanoatни ҳомашё билан таъминлаш, атроф-муҳит ва одамлар соғлиғини сақлашнинг муҳим шарти ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ирсий хилма-хиллигини сақлаш ва уни мобилизация қилиш ҳисобланади. «...шу сабабли серпушт типдаги қорақўл қўйлари генофондини сақлаш Германия, Молдавия, Намибия, Қозоғистон, Туркменистон ва Европа Иттифоқи давлатларида янги инновацион технологиялар тизимини жорий қилиш қорақўлчиликда бугунги куннинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади»<sup>1</sup>. Қорақўл қўйлари юқори даражадаги адаптацион ва яшовчанлик хусусияти туфайли улар экстримал иқлим шароитида чўл худудларида яшашга яхши мослашган ва ҳар қандай ноқулай шароитда сифатли маҳсулот беришга ихтисослашган зот ҳисобланади. Қорақўл қўйлари урчитиш чўл худудларидан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш ва унда яшаётган аҳолининг моддий ва ижтимоий аҳволини яхшилашда катта муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунё миқёсида қорақўл қўйлари бош сони жиҳатидан энг кўп бош сонига эга бўлган космополит зот ҳисобланиб, таркибида тўртта зот типи ва ўндан зиёдроқ ранг ва рангбарангликдаги 33 та завод типни мавжуд бўлиб бугунги кунда қорақўлчилик маҳсулотларига бўлган талабнинг юқори бўлганлиги сабабли Бухоро, Қорақалпоқ ва Сурхондарё зот типдаги қорақўл қўйлари ҳамда серпушт типдаги қора рангли қорақўл қўйлари урчитилмоқда. Бу борада сур қорақўл қўйларида рангбарангликнинг ифодаланиши физиологик, биокимёвий жиҳатлари ўрганилиб сур рангли қорақўл қўйлари селекцион усуллари тақомиллаштириш, аҳолининг қорақўлчилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, уларнинг маҳсулдорлигини, таббий резистентлигини, ирсий салоҳиятини ошириш йўналишидаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қорақўлчиликни ривожлантириш борасида илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда қорақўл қўйлари селекцион физиологик хусусиятларини аниқлаш, қорақўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган ва ишлаб чиқаришга интенсив методларни жорий қилиш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада қорақўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда қўйларнинг биологик салоҳиятидан фойдаланишга йўналтирилган илмий

<sup>1</sup><http://www.fao.org/docrep/018/i3300e/i3300epdf>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

тадқиқотлар эса жуда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ- 2841-сон «Чорвачиликда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», ва 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», ва 2019 йил 29 июндаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Қорақўл қўйларини маҳсулдорлигини ошириш бўйича физиологик, иммуногенетик, селекцион, технологик, биотехнологик ва бошқа усуллардан фойдаланишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Молдавия республикасида, Украинада, Германияда Галле қорақўлчилик лабораторияси, Намибия қорақўлчилик маркази, Россияда Россия чорвачилик илмий тадқиқот институтида қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг физиологияси бўлими, Қозоғистонда республикасида Қозоғистон чорвачилик ва ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти ҳамда Чимкент, Камлордин, Джамбел ва Урал туманларида, Туркменистоннинг қорақўлчилик зоналарида қора, кўк, сур рангли қўйлар урчитилади. Ўзбекистонда Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб бормоқда

Қорақўл қўйларнинг биологик салоҳиятидан фойдаланиб маҳсулдоликларини оширишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: қора, кўк, сур рангли қўйларда ранглари наслдан-наслга берилишларини (Вена чорвачилик маркази, Австрия); кўк ва қора рангли қўйларда сут маҳсулдорлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқилган (Қорақўлчилик лабораторияси, Молдавия); янги экологик минтақаларда қорақўл қўйларини кўпайтириш, маҳсулдорликларини ошириш бўйича замонвий усуллар ишлаб чиқилган (Чорвачилик ва ўсимликшунослик

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи:<https://uzkarakul.uz>; <https://www.fao.org/3/ca4628en/CA4628EN>; <https://www.adb.org/sites/default/files/linked-documents/47305-004-sd-01>; <https://ru.uni24k.com/u/9790> ва ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

илмий-тадқиқот институти, Қозоғистон); организмда минерал моддалар алмашинуви ва умумий миқдорлари аниқланган (Тожикистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти, Тожикистон).

Дунёда қорақўл қўйларини маҳсулдорликларини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, қорақўл қўзиларининг ранг ва рангбарангликлари, қорақўл қўзиларини жадал ўсиши ва ривожланиши, биологик салоҳиятларидан фойдаланилган ҳолда янги технологик тизимларни ишлаб чиқиш, қон зардоби таркибидаги биологик фаол моддаларнинг насли қорақўл қўйларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан боғлиқлигининг селекцион биокимёвий жиҳатларини, калий миқдорининг қорақўл қўйлари маҳсулдорлигига ҳамда кўпайиш физиологияси билан боғлиқлиги аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қорақўл қўйларининг биологик салоҳиятидан фойдаланиб маҳсулдорлигини оширишнинг физиологик жиҳатлари бўйича республикамизда ва хориж давлатларида илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, Ўзбекистонда У.Х.Арипов, Р.Г.Валиев, С.Ю.Юсупов, М.Ш.Исмаилов, Н.А.Бобоқулов, З.Т.Ражамурадов, А.Газиёв, Э.А.Ата-Курбанов, хорижий давлатларда А.М.Омбаёв, Ж.Паржанов, М.Туекбасов, Тожикистонда А.А.Алиев, Россияда О.Г.Смирнов, Д.А.Бабарыкин, В.И.Георгиевский, С.Г.Кузнецов ва бошқа хориж олимлари томонидан тадқиқотлар ўтказилган. Мазкур олимлар томонидан биологик тестлар асосида қўйларнинг табиий резистентлигини ошириш ҳамда маҳсулдорлигини эрта башорат қилиш усуллари ишлаб чиқилган. Насли кўчқор қўзиларни икки ойлик ёшида биокимёвий кўрсаткичларининг коррелятив боғлиқлиги бўйича танлаш, селекция натижадорлигини аниқ башорат қилишда яхши самара беради. Юқори маҳсулдор насли ҳайвонлар фойдали-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги, наслчилик ишларини жадаллаштириш, муаммоларини тадқиқ қилишган.

Бугунги кунда мамлакатимизда қорақўл қўйларнинг биологик салоҳиятидан фойдаланиб маҳсулдорлигини ошириш бозор иқтисодиёти шароитида тармоқни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Қорақўл қўйларининг биологик салоҳиятидан фойдаланиб уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, қўйлар бош сонини кўпайтиришни таъминловчи биологик фаол моддалар кўрсаткичидан фойдаланишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ҚХА-8-059-2015 «Сурхондарё сур қорақўл қўйларининг ноёб генофондини сақлашнинг селекцион-генетик усулларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.), №ҚХ-И-ҚХ-2018-8 «Табиий серпушт қорақўл қўйлар генофондини сақлаш ва уларни урчитилишнинг селекцион-технологик тизимини жорий қилиш» (2018-2019 йй) амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сурхондарё сури ва серпушт типдаги қоракўл қўйларининг биологик, маҳсулдорлик салоҳиятини такомиллаштириш асосида тармоқ самарадорлигини оширишни таъминловчи такомиллаштирилган селекцион усуллар ва инновацион ишланмаларни яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Сурхондарё сур қоракўл қўйлари рангбаранглигининг ифодаланиш жараёнларининг физиологик, биохимиявий жиҳатлари ўрганилиб, сур рангли қоракўл қўйларининг селекцион усуллари ишлаб чиқиш;

Сурхондарё зот типдаги сур қоракўл қўйлари маҳсулдорликларини оширишнинг илмий асосланган физиологик ва биокимёвий жиҳатларини ишлаб чиқиш;

Сурхондарё зот типдаги сур қоракўл қўзилари рангбарангликларига қон таркибидаги ферментлар миқдори билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

қоракўл қўйлари маҳсулдорлиги ва ҳаётчанлигининг қон таркибидаги биологик фаол моддалар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

қоракўл қўзиларининг ўсиш ва ривожланишининг қон таркибидаги шакли элементлар ҳамда биологик фаол моддалар билан ўзаро корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

қон зардоби таркибидаги биологик фаол моддаларнинг насли кўчқорларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан боғлиқлигининг селекцион биокимёвий жиҳатларини ишлаб чиқиш;

қоракўл қўйлари организмда нуклеин кислоталар миқдорининг уларнинг физиологик, маҳсулдорлик кўрсаткичларига ва фойдали хўжалик белгиларининг наслдан наслга берилишини аниқловчи тестлар ишлаб чиқиш;

қон таркибидаги калий миқдорининг қоракўл қўйлари маҳсулдорлигига ҳамда кўпайиш физиологияси билан боғлиқлиги аниқлаш;

биологик фаол моддалар тестидан фойдаланиб қоракўл қўйларининг маҳсулдорлигини оширишнинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сурхондарё сур қоракўл қўйларининг платина, янтар, антроцит рангбарангликдаги ва қора рангли қўзилар ҳамда серпушт типдаги қоракўл қўйларининг маҳсулдорлик ҳамда биологик кўрсаткичлари: ферментлар, нуклеин кислоталар ва калий элементининг миқдор кўрсаткичларидан фойдаланиб қоракўл қўйларининг маҳсулдорлигини ошириш ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** бўлиб турли ёш ва жинс гуруҳларидаги Сурхондарё зот типига мансуб сур рангли қоракўл қўйлари ва турли туғилиш типдаги бир ва ҳар хил жинсда туғилган қўзилар, уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларининг нуклеин кислоталар, ферментларнинг ва калий миқдори билан корреляцион боғлиқлигининг мақбул вариантларини аниқлаш орқали қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда умумий қабул қилинган физиологик, биокимёвий, зоотехникавий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди. Маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги spss (Statistical Paskage for Social Science) компьютер дастури асосида таҳлил қилинган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

илк бор Сурхондарё сур қорақўл қўйлари рангбаранглигининг ифодаланишини белгиловчи меланогенез жараёнларини бошқаришда ферментларнинг таъсири аниқланган;

қорақўл қўйлари селекциясининг натижадорлигини объектив баҳолаш усуллари орқали уларнинг маҳсулдорлигининг ошиши аниқланган;

организмдаги нуклеин кислоталар ва ферментлар фаоллиги асосида қорақўл қўйларининг ҳаётчанлиги аниқланган;

серпушт типдаги қорақўл қўйларининг организмида ферментлар ва калий миқдори концентрациясининг ритми аниқланган;

Сурхондарё сур ва серпушт типдаги қўзиларнинг 3-5 кунлик ёшида нуклеин кислоталар, ферментлар ва калий миқдорлари, фаоллигини аниқлаш ва танлаш асосида уларнинг маҳсулдорлигини ва ҳаётчанлигини аниқлашнинг бирламчи усуллари ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Қорақўл қўйлари маҳсулдорлигини оширишда физиологик ва биокимёвий кўрсаткичларни объектив баҳолаш асосида Сурхондарё сур қорақўл қўйлари селекцияси самарадорлигини оширишга эришилган.

«Боботоғ қорақўл насл» наслчилик хўжалигида Сурхондарё сур қорақўл қўйларининг генофондини сақлашда биологик фаол моддалардан (нуклеин кислоталар, ферментлар фаоллиги ва калий миқдори) фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган.

«Тутли қорақўл замини» наслчилик хўжалигида қорақўл қўйларининг серпуштлиги билан боғлиқ биологик фаол моддалар миқдори аниқланган.

Қорақўл қўйлари маҳсулдорлигини оширишнинг физиологик жиҳатларидан ферментлар, нуклеин кислоталар ва калий миқдорлари ва фаолликлари аниқланган.

Олинган маълумотлар қорақўлчилик соҳасини юритишнинг илмий асосларини бойитиш, ишлаб чиқилган физиологик ва биокимёвий тестлар қорақўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имконият яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий тадқиқот натижалари ҳамда бирламчи ҳужжатларда Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти ва Республика қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳо берилган; барча олинган бирламчи материалларга статистик ишлов берилган ва таҳлилдан ўтказилган, олинган илмий тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари республикамиз ва чет элларда ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги ва маъқулланганлиги олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақўлчиликда қорақўл қўйлар урчитилаётган хўжаликларда қорақўл маҳсулотлари сифатини яхшилаш ишлаб чиқариш самарадорликларини ошириш ва кенгайтиришга қаратилган. Олинган

натижалар қоракўл қўйлари генофондини сақлаш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, физиологик, биологик тест мезонидан фодаланилган ҳолда сур рангли қоракўл қўзиларининг рангбаранглик хусусиятларини такомиллаштириш, қон таркибидаги ферментлар миқдорининг узаро боғлиқлигини аниқланиб биокимёвий жиҳатлари фойдаланиб генетик селекцион усулларини такомиллаштириш, қоракўл қўйлари резистентлигини ва ҳаётчанлигини ҳамда қўзиларнинг ўсиш тезлиги бўйича қоракўлчилик назариясининг биологик жиҳатларини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қоракўлчиликда биологик, физиологик тест мезонларидан фойдаланилган ҳолда қон зардоби таркибидаги биологик фаол моддаларнинг насли кўчқорларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларининг селекцион биокимёвий жиҳатлари фойдали хўжалик белгиларининг наслдан наслга берилиш кўрсаткичлари табиий шароитда сифатли самарадорлиги юқори маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхондарё сур қоракўл қўйлари маҳсулдорлигини оширишнинг физиологик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Сурхондарё сур қоракўл қўйлари генофондини сақлаш бўйича услубий тавсиянома тасдиқланган (Республика Қоракўлчилик уюшмасининг 2019 йил 10 июндаги 39/01-115-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома сур рангбарангликдаги қоракўл қўйлари генофондини сақлаш ва маҳсулдорликларини оширишда қўлланма сифатида хизмат қилган;

янги экологик худудларда оригинал рангбарангликдаги сур қоракўл қўйлари сурувини яратиш ва такомиллаштириш усуллари Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги «Боботоғ-сури» масъулияти чекланган жамият ва «Хушбоқ Ориф қоракўлчилик» фермер хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 25 июндаги 02/23-384-сон маълумотномаси). Натижада, оригинал сур рангбарангликдаги қўйлар салмоғи ва ҳар бир терилардан олинадиган соф фойдани 20-25 фоизга ошириш имконини берган;

серпушт типдаги қоракўл қўйлари биологик хусусиятларидан фойдаланиб уларни урчитишнинг янги селекцион тестлари «Тутли қоракўл замин» масъулияти чекланган жамияти ва «Тош полвон ботирлари» фермер хўжаликларида жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 25 июндаги 02/23-384-сон маълумотномаси). Натижада, қоракўл териларининг сифат кўрсаткичлари бўйича иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган;

Сурхондарё сур қоракўл қўйларида маҳсулдорлик белгиларини шаклланишида нуклеин кислоталар табиатининг аҳамияти ҳамда калий миқдорининг физиологик жиҳатлари бўйича илмий асосланган селекцион тестлар фермер хўжаликларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 25 июндаги 02/23-384-сон маълумотномаси). Натижада, биологик салоҳияти такомиллашиб серпушт типдаги қоракўл қўйлари бир циклда оталаниши,

насли қўчқорларнинг қайта урчиш хусусиятини 15-20 фоизга ошириш имконини берган;

сур рангбарангликдаги қоракўл қўйлар генофондини сақлаш ва уни урчитилишнинг селекцион технологик тизими Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани «Хушбоқ Ориф» фермер хўжалиги ва «Боботоғ-сури» МЧЖда амалиётга жорий этилган (Республика Қоракўлчилик уюшмасининг 2019 йил 10 июндаги 39/01-115-сон маълумотномаси). Натижада, қоракўл қўйларини қайта урчиш қобилиятини яхшиланиб, унинг самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий ишларда 15 та уларнинг 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқот мақсади, вазифалари, объект ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича маълумотлар берилган, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида ахборотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қоракўл қўйларининг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида Республикамиз ва хорижий мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар юзасидан илмий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурати, қоракўл қўйлари маҳсулдорлигини оширишнинг физиологик кўрсаткичлари, қон таркибидаги биологик фаол моддалар ва уларнинг қоракўл қўйлари маҳсулдорлигини оширишдаги аҳамияти, нуклеин кислоталарнинг серпуштлик хусусиятларини шакллантиришдаги аҳамияти, қон таркибидаги калий миқдорининг қўйлар маҳсулдорлиги ва физиологик хусусиятлари билан боғлиқлиги, қоракўл қўйларнинг маҳсулдорлигига ташкилий ва зоотехникавий омиллар таҳлил қилиниб, Республикамизда қоракўл қўйлари маҳсулдорликларини оширишнинг физиологик ижтимоий-иқтисодий аҳамияти кўрсатилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, материал ва методлари» деб номланган иккинчи боби уч қисмдан иборат бўлиб унинг биринчи қисмида тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг табиий-иқлим ва яйлов озуқа шароити кўрсатилиб, иккинчи қисмида тадқиқотнинг материал ва методикаси, учунчи қисмида қон таркибидаги биологик фаол моддаларнинг миқдорларини аниқлаш методлари ўтказиш жараёнида қўлланилган методлар баён қилинган.

Диссертацияда қўйидаги услублардан фойдаланилди:

- қон зардоби таркибидаги ферментлар Рейтмана-Френкеля ва М.Т.Таранов усулларида бажарилди;

- қонда нуклеин кислоталар миқдорлари спектрофотометрда А.С.Спирин усули бўйича аниқланди;

- организмдаги калий миқдорлари Цейсе-Йена усулида оловли фотометрия усулида текширилди;

- қоракўл қўзиларни баҳолаш «Қоракўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш бўйича қўлланма» асосида аниқланди;

- совлиқларнинг сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари қўзиларнинг тўғилганидан 21 кунлик ёшигача бўлган даврдаги тирик вазни 5 коэффицентига бўлиш йўли билан, кейинги ёшларида қўзиларни оналарини эмишидан олдин ва кейин тирик вазнларини ўлчаш йўллари билан аниқланди;

- гўшт маҳсулдорлиги аниқлаш методикаси (А.А.Вениаминов ва бошқалар) асосида тадқиқ қилинди;

- тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқилган маҳсулот миқдорини сўмда ифодаланиб, уни ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларини таққослаш ва рентабеллик даражаси ҳисобланиб аниқланди;

- тадқиқотнинг экспериментал қисмидан олинган рақамли маълумотлар вариацион статистика (П.Н.Плохинский, 1969) усули асосида ҳисобланди.

Диссертациянинг «Сур рангли қоракўл қўзиларининг тери сифат маҳсулотларини физиологик жиҳатлари» деб номланган учунчи бобида чўл яйлов ландшафтли ҳудудларда қоракўл қўиларининг биомаҳсулдорлик белгилари ва уларнинг мониторинги, Сурхондарё зот типидagi сур қоракўл қўилари ранг ва рангбаранглигининг ирсийланиш хусусиятлари, сур рангли қўзиларнинг тери сифати бўйича маҳсулдорлик кўрсаткичлари таҳлиллари тўлиқ ёритилган. Қоракўлчилик чорвачиликнинг муҳим соҳаларидан ҳисобланиб, қоракўл қўилари Республикамизнинг умумий ер майдонининг 50 % дан зиёдини ташкил этувчи чўл ҳудудларида урчитилади. Мазкур зотга мансуб қўиларнинг асосий маҳсулоти ҳар хил ранг ва рангбарангликдаги қоракўл терилари ҳисобланиб, ундан ташқари гўшт, жун, пўстинбоп тери, ширдон ва бошқа маҳсулотлар олинади.

Қоракўл зотли қўиларнинг ранг ва гул шакллари бўйича ирсийланиш салоҳияти жуда юқори бўлиб, ушбу салоҳиятдан унумли фойдаланишга самарали селекцион-генетик усулларни қўллаш йўли билан эришиш мумкин. Ҳозирги даврда зот таркибида 4 та зот типи, 10 та ранг, 6 та тус, 33 та завод типи, 4 та экологик тип, 4 та жун-конституционал типидagi қўилар мавжуд.

Зотнинг асосини 50% қора, 12% кўк, 35% сур ва 3% оқ, гулигаз, қамбар ва бошқа рангли қўйлар ташкил қилади. Мазкур салоҳиятдан унумли фойдаланиш асосида ҳар хил экологик ҳудуд шароитларига мослашган қорақўл қўйларидан юқори сифатли, рақобатбардош, экспорт талабларига жавоб берадиган ҳар хил ранг ва рангбарангликдаги ва гул типидagi сифатли қорақўл терилари етиштириш имкониятига эга.

Сурхондарё сур қорақўл қўйларининг тавсифли рангбаранглик хусусиятлари жун толасининг пастки ва юқори қисми пегментациясининг ранги бўйича мос келмаслиги, жун қоламанинги кучли ялтироқлиги, энг мукамал рангларнинг уйғунлиги билан тавсифланади. Сурхондарё сур қорақўл қўйларининг ранги ва рангбаранглигининг хилма хиллик хусусиятлари ва уларнинг наслдан-наслга мустаҳкам ўтказиб берилиши бу зот типидagi қорақўл қўйларининг ирсий салоҳиятининг турғунлигидан ва селекция-наслчилик ишларининг мақсадли олиб борилганлигидан далолат беради.

Сурхондарё сур қорақўл қўйларининг асосий учта: платина, янтар, бронза рангбарангликдаги қорақўл терилари ўзининг эстетиклиги, ёрқинлиги, гул нақши ва ўзига хос жилоланиши туфайли энг қимматли ҳисобланади. Бронза рангбаранглик кўпроқ қорамтир тонда ифодаланиб, платина ва янтар рангбарангликларга нисбатан контрастлиги камроқ. Антроцит рангбаранглик жун қоламасининг кўпроқ қорамтирлиги билан тавсифланиб, жун толасининг уч қисми кул-пўлат рангда ифодаланади.

Ушбу ранг ва рангбарангликлар жун толасининг пастки қисмидаги пегментнинг концентрациялаш даражаси орқали пайдо бўлади ва жун толасининг дистал қисмида ранги деярли тўлиқ ўзгаради. Сурхондарё зот типидagi сур рангли қорақўл қўйлари популяциясида платина, янтар, бронза рангбарангликлардан ташқари:

- тилла рангбаранглик ўзида жигар ранг ҳосил қилади ва жун толаси учининг охирида ялтироқликлар кузатилади;

- қорамтир-жун толасининг пастки қисмида жигар ранг ва уч қисми қизғиш-сарик рангда ифодаланади.

- қумсимон-Сурхондарё сурининг кўпроқ ёрқин ўзгарувчан типи. Жун қоламанинги асоси тўқ-жигар, уч қисми оч-сарғиш рангда ифодаланади. Аммо бу рангбарангликлар контрастликнинг пастлиги билан тавсифланади.

«Боботоғ-сури» МЧЖ №3 отар инстирукция бўйича бонитировка қилинганда олинган маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, бронза рангбарангликдаги қўзилар 2015 йилга нисбатан 2016 ва 2017 йилларда мос равишда 2,8 ва 14,2 фоизга камайиши, янтар рангбарангликдаги қўзилар салмоғининг 14,3 ва 63,3 фоизга, платина рангбарангликдаги қўзилар салмоғи 8,1 ва 30,1 фоизга кўпайиши кузатилди.

Маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, платина ва янтар рангбарангликдаги қўйларни гомоген, бошқа рангбарангликдаги қўйларни, платина ва янтар рангбарангликдаги кўчқорлар билан гетероген жуфтлаш мақсадга мувофиқ рангбарангликдаги қўзилар салмоғининг ошишига олиб келди. Тажрибадаги қўзиларнинг гул типлари бўйича тақсимланишида рангдор

қорақўл қўйлари селекциясида ранг ва рангбарангликнинг ифодаланиши билан боғлиқ ҳолда гул типлари бўйича танлаш ва жуфтлаш қорақўлчиликда наслчилик ишларининг асосий элементи ҳисобланади (1-жадвал).

**1- жадвал**

**Сурхондарё сур қўзиларининг ранг ва рангбарангликлар бўйича тақсимланиши,%**

Ранг ва рангбарангликлар	Ранг ва рангбарангликнинг тақсимланиши,%					
	2015 йил		2016 йил		2017 йил	
	п	%	п	%	п	%
Бронза	162	33,3	242	32,4	145	28,6
Янтар	68	13,9	119	15,9	115	22,7
Платина	102	20,9	169	22,6	138	27,2
Антроцит	24	4,9	38	5,1	21	4,1
Қора	84	17,3	116	15,5	61	12,1
Оқ	4	0,8	9	1,2	7	1,3
Қамбар	28	5,8	35	4,7	14	2,7
Гулигаз	14	2,9	18	2,4	5	0,9
<b>Жами</b>	<b>486</b>	<b>100,0</b>	<b>746</b>	<b>100,0</b>	<b>506</b>	<b>100,0</b>

Сурхондарё сур қорақўл қўйларининг гул типи бўйича тақсимланиши йиллар давомида ўрганилганда, қимматли ҳисобланган ярим доира қалами гул типига қўзилар салмоғи 2015 йилга нисбатан 2016 ва 2017 йилларда мос равишда 2,4 ва 3,9 фоизга ошиши кузатилди. Ясси гул типига қўзилар салмоғи мос равишда 1,5 ва 3,01 фоизга, қовурғасимон гул типига қўзилар салмоғи эса мос равишда 3,3 ва 4,1 фоизга ошиши кузатилган бўлса мақсадга мувофиқ бўлмаган ўсиқ гул типига қўзилар салмоғи мос равишда 11,3 ва 19,1 фоизга камайиши кузатилди. 2-жадвал маълумотларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, хўжаликда мақсадга мувофиқ гул типи бўйича селекция ишларини олиб бориш қимматли гул типига қўзилар салмоғини ошириш, мақсадга мувофиқ бўлмаган ўсиқ гул типига қўзилар салмоғининг пасайиши кузатилди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Сурхондарё сур қўзиларининг гул типлари бўйича тақсимланиши,%**

Гул типлари	Барра типлари бўйича тақсимланиши,%					
	2015 йил		2016 йил		2017 йил	
	п	%	п	%	п	%
Ярим доира қаламигул	203	41,7	315	42,2	217	42,8
Ясси гул	97	19,9	151	20,2	104	20,5
Қовурғасимон	117	24,1	186	24,9	127	25,1
Ўсиқ гул	69	14,2	94	12,6	58	11,5
<b>Жами</b>	<b>486</b>	<b>100,0</b>	<b>746</b>	<b>100,0</b>	<b>506</b>	<b>100,0</b>

Диссертациянинг «Қоракўл кўйлари маҳсулдорлиги ва ҳаётчанлигига қоннинг таркиби ва ферментларнинг ўзаро боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи бобида ҳар хил рангбарангликдаги сурхандаё сур қоракўл кўзиларининг ўсиш ва ривожланишида ферментларнинг фаоллиги, Сурхондарё сур қоракўл кўйларида рангбарангликлар бўйича ферментлар фаоллиги, сур рангли кўзиларнинг ўсиш ривожланишида ферментларнинг маҳсулдорлик билан боғлиқлиги, биологик фаол моддалар ва қон шаклли элементларининг сур рангли қоракўл кўзилар ҳаётчанлиги билан боғлиқлиги, ҳайвонлар маҳсулдорлиги билан биологик кўрсаткичлар корреляцияси, қондаги биохимиявий кўрсаткичларни наслга берилиши, қоракўл кўйлар селекциясининг биохимиявий жиҳатлари, қон зардоби таркибидаги ферментларнинг насли ҳайвонлар маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан боғлиқлиги тўлиқ ёритилган.

Ҳайвонларнинг ўсиш ва риволанишида муҳим омил биокимёвий жараёнлар интенсивлиги ҳисобланади, барча ўсувчи организм тўқима ва органларида муҳим вазифаларни бажаради. Ўсиш жараёнларида алоҳида ёшга оид даврларда моддалар алмашинуви ҳар хил интенсивликда кечади. Қоракўл кўзиларнинг тирик вазни уларнинг ҳаётчанлиги, маслашувчанлиги ва маҳсулдорлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики тажрибадаги қора рангли кўзиларнинг туғилган давридаги тирик вазни бронза, янтар ва платина рангбарангликдаги тенгқурларига нисбатан мос равишда 0,3; 0,5 ва 0,6 кг, 21 кунлик ёшида 0,3; 0,4 ва 0,5 кг, 4-4,5 ойлик ёшида 0,9; 1,3 ва 1,6 кг юқори бўлиши аниқланди. Жадвал маълумотларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, қора рангли ва қорамтир рангбарангликдаги кўзиларда моддалар алмашинувининг жадал кечишидан далолат беради (3-жадвал).

### 3 -жадвал

**Ҳар хил ранг ва рангбарангликдаги Сурхондарё сур кўзиларининг турли ёш даврларида тирик вазн динамикаси, кг.**

Кўзиларнинг ранг ва рангбаранглиги	n	Ўсиш даврлари					
		Туғилганда		21 кунлик ёшида		4-4,5 ойлик ёшида	
		M±m	C <sub>v</sub>	M±m	C <sub>v</sub>	M±m	C <sub>v</sub>
Бронза	19	4,1±0,03	9,2	6,9±0,04	8,5	25,4±0,06	4,8
Янтар	24	3,9±0,06	7,5	6,8±0,03	7,6	25,2±0,04	5,5
Платина	25	3,8±0,17	8,1	6,7±0,04	7,8	24,9±0,14	4,3
Антроцит	17	4,2±0,05	8,3	7,0±0,05	8,9	25,8±0,07	6,8
Қора	20	4,4±0,07	9,6	7,2±0,04	7,6	26,5±0,14	5,7

Тажрибадаги кўзилар қони таркибидаги шаклли элементлар таҳлили бўйича тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики қондаги шаклли элементларнинг миқдорий кўрсаткичлари бўйича эритроцитлар, лейкоцитлар ва гемоглобин миқдорлари бўйича барча рангбарангликдаги сур кўзиларда

платина рангбаранглик қўзиларда нисбатан камлиги кузатилди. Бошқа ранг ва рангбарангликларда деярли ўзгаришлар кузатилмади. Организмда қоннинг муҳим аҳамияти, ҳайвонлар қони таркибидаги оқсиллар концентрациясини урганиш зарур. Оқсил тўқима ва органларда муҳим қўрилиш материали бўлиб, организмда иммунобиологик, катализаторлик, транспортлик, регуляторлик вазифалари қон орқали амалга оширилади (4-жадвал).

4-жадвал

**Тажрибадаги 4–4,5 ойлик қўзилар қонининг биологик клиник кўрсаткичлари**

Қўзиларнинг ранг ва рангбаранглиги	n	Тажрибадаги қўзилар қони таркибидаги шаклли элементлар миқдори					
		Эритроцит (1мм <sup>3</sup> да)		Лейкоцит (грам %)		Гемоглобин (1мм <sup>3</sup> да)	
		M ± m	Cv	M ± m	Cv	M ± m	Cv
Бронза	19	9,63±0,5	0,5	7,62±0,39	11,6	11,8±0,56	1,18
Янтар	24	8,52±0,1	3,13	7,28±0,31	9,75	11,4±1,04	0,79
Платина	25	8,34±8,6	8,6	7,16±0,25	7,6	10,2±0,84	1,77
Антроцит	17	8,80±2,9	2,9	7,66±0,24	7,0	12,5±1,07	1,16
Қора	20	9,11±9,5	9,5	8,50±0,31	9,2	12,9±0,87	2,52

Тажрибадаги қўзилар қонинг биологик кўрсаткичларидан умумий оқсил миқдори, альбумин, глобулин ва ферментлардан аспартатаминотрасфераза (АсАТ), аланинаминотрасфераза (АлАТ) миқдорлари текширилганда қўйидагича натижалар олинди (5-жадвал).

5-жадвал

**Тажрибадаги қўзилар қони таркибидаги биологик фаол моддалар миқдори**

Қўзиларнинг ранг ва рангбаранглиги	n	Тажрибадаги қўзилар қони таркибидаги биологик фаол моддалар				
		Умумий оқсил	Альбумин	Глобулин	АсАТ	АлАТ
		M ± m	M ± m	M ± m	M ± m	M ± m
Платина	12	64,2±2,3	37,8±1,3	36,4±0,9	43,6±13,4	31,3±4,7
Янтар	12	61,8±2,1	36,1±1,5	36,9±1,0	41,7±12,5	31,8±5,0
Бронза	12	66,4±2,4	38,8±2,1	34,3±0,8	42,2±13,1	33,2±5,6
Антроцит	12	71,5±2,6	40,5±2,0	37,1±1,1	43,4±14,7	36,4±4,8
Қора	12	74,5±2,2	41,2±1,8	37,4±1,2	43,8±15,2	36,8±5,4


Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики гуруҳлараро қондаги биохимик кўрсаткичларнинг ўзаро фарқ борлиги кузатилди. Оқсиллар ва альбуминлар миқдори бўйича янтар рангли сур қорақўл қўйларига нисбатан қора рангли қорақўл қўйларида кўпроқ эканлиги кузатилди. Глобулинлар,

аспартатаминотрансфераза, аланинамнотрансфераза миқдорлари бўйича деярли ўзгаришлар йўқлиги аниқланди.

Тажриба натижалари таҳлилига кўра умумий оқсиллар миқдорлари барча рангбарангликдаги сур рангли қорақўл қўйларга қора рангли қорақўл қўйларда кўпроқ. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки кўзилар қони таркибидаги биологик фаол моддаларнинг миқдори кўплиги кўзиларни ҳаётчанлиги юқори эканлиги билан характерланади. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, кўзилар қонида пероксидаза ферментининг фаоллиги ёшига боғлиқ ҳолда кўпайиши кузатилди (1-расм).

Терозинаминотрансфераза ферменти эса гомоген келиб чиқишга мансуб ҳайвонларда, гетероген жуфтлашдан олинган ҳайвонларга нисбатан юқори бўлиши, шунингдек қорамтир вариациядаги ранг ва рангбарангликдаги кўзиларда терозинаминотрансфераза ферментининг концентрацияси ёрқин рангбарангликдаги вариациядаги кўзиларга нисбатан юқори бўлиши кузатилди.


Яъни қора рангли, антрацит ва бронза рангбарангликдаги кўзиларда терозинаминотрансфераза миқдори янтар ва платина рангбарангликдаги кўзиларга нисбатан ўртача 0,040-0,060 моль/мл бирликга юқори бўлиши кузатилди. Бу фарқ гомоген ва гетероген келиб чиқишга эга бўлган кўзиларнинг ҳамма ёш даврларида сақланиб қолинди. Шундай қилиб, бу фермент кўзилар ҳаётчанлиги билан яқин боғлиқлик бор чунки оғир тирик вазли кўзиларнинг кўпроқ ҳаётчанлиги юқори даражада эканлиги аниқланди.



**1-расм. Рангбаранглиги бўйича турли хил жуфтлашдан олинган ҳар хил ёшдаги кўзилар қони зардобдаги ферментлар ўзгарувчанлиги**

Сур рангли кўзиларнинг ўсиш ривожланишида ферментларнинг маҳсулдорлик билан боғлиқлиги бўйича текшириш натижа ва таҳлилларга кўра о-дефинолоксидаза ва арилэстераза миқдорлари тўғилганидан 8-ойликкача гомоген ва гетероген танлаш натижасида олинган сур кўзиларда олиб борилди. Олинган маълумотлар нисбатига кўра гомоген жуфтлаш натижасида олинган барча рангбарангликдаги кўзиларда о-дифенолоксидаза ва арилэстераза юқори даражада эканлиги кузатилди. Ферментлар нисбати 8-10 кунликларида деярли унча ўзгаришлар йўқлиги о-дифенолоксидаза бўйича кўзиларнинг ўсиш ривожланиш даврларида 8,0-8,5 ойлигигача кўпайганлиги кузатилди. Лекинда қора ранг бўйича барча рангбарангликларга нисбатан ортодифенолоксидаза юқори нисбатда эканлиги кузатилди ва кўзиларнинг онтогенез ривожланиш даврида ўз меъёрига етганлиги кузатилди (2-расм).

Эстераза миқдорлари бўйича барча рангбарангликлар бўйича ҳам тўғилгандан 8-ойликкача бўлган даврларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.



**2-расм. Тажириба гуруҳидага сур қоракўл кўйлар қон зардобидаги ферментлар миқдорининг ёшга оид ўзгарувчанлиги**

Диссертациянинг «Нуклеин кислоталар табиати ва уларнинг серпуштлик хусусиятининг шакллантиришдаги аҳамияти» деб номланган бешинчи бобида қоракўл кўйлар қони ва котелидон тўқимасидаги нуклеин кислоталар миқдорининг маҳсулдорлик билан боғлиқлиги, нуклеин кислоталар динамикасининг қоракўл кўйлар физиологик параметрларига таъсири, котелидон тўқимаси ва қондаги нуклеин кислоталар миқдорининг ўзгарувчанлиги, маҳсулдорлик белгиларини шаклланишида нуклеин кислоталар табиатининг аҳамияти, нуклеин кислоталар миқдорининг авлодлар

маҳсулдорлиги билан корреляцион боғлиқлиги маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан боғлиқлиги тўлиқ ёритилган.

Қорақўл қўйлар селекциясининг биологик манбаи уларнинг физиологик ҳолати, озикланиши, асралиш шароитлари ва генетик потенциалига боғлиқ. Биологик кўрсаткичлари тести сифатида қўйлар қони ва плацента тўқимасидаги нуклеин кислоталар миқдорида боғлиқ ҳолда қўзиларнинг ўсиши ва ривожланиши, нуклеин кислоталар миқдорининг наслдан-наслга берилиши, серпуштлик, сут маҳсулдорлиги, уруғланиш ва бошқа хусусиятлар ўрганилди. Тўқимларда, органларда нуклеин кислоталарнинг кенг тарқалганлиги, генетик информацияларни сақлашдек муҳим физиологик аҳамияти туфайли олимларни қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлик кўрстакичларини олдиндан баҳолаш ва улардан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини яратди. Котелидон тўқимаси ва қондаги нуклеин кислоталар миқдорининг ўзгарувчанлиги қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлик ва наслий хусусиятларини такомиллаштиришнинг муҳим йўли танлаш бўлиб унинг негизида хўжаликбоп ва биолого-физиологик хусусиятларнинг ўзгарувчанлиги ётади. Ҳар қандай алоҳида олинган хусусиятлар учун ҳам маълум даражада ўзгарувчанликка хос, бу ўзгарувчанлик қанча катта бўлса ушбу хусусият бўйича танлашнинг кенг имкониятлари мавжуд бўлади.

Келтирилган маълумотларига кўра РНК ва ДНК ва уларнинг нисбати турли даражада туғилган қўзилар тирик вазнлари билан боғлиқлик (тирик вазн билан) яқка туғилган ва эгиз туғилганларда ҳам РНК миқдори ва РНК нисбатлари бўйича фарқ борлиги кузатилди. Барча ҳолларда корреляция коэффицентлари юқори даражада ва ишонарли эканлиги аниқланди. ДНК нисбатлари бўйича ҳам бундай корреляциялар мавжудлиги аниқланди, агарда яқка туғилган қўзилар тирик вазнларини истисно қилганимизда, яъни ДНК билан барча боғлиқликлар манфий, лекин РНК ва ДНК нисбатлари ва тирик вазн ўртасидаги корреляцион боғлиқлик қониқарли, эгиз туғилган қўзиларда эса бу боғлиқлик ишонарли эканлиги қайд этилди.

Селекция ишларини олиб боришда турли хусусиятлар ва ўзига хосликлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик муҳим аҳамиятга эга. Корреляция маълум бир белгининг бошқа бир белгига нисбатан ўзгаришини кўрсатди. Нуклеин кислоталар билан ҳайвонлар ҳаёти давомида ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари орасида ишонарли боғлиқликнинг мавжудлиги шу боғлиқликдан улар орасида танлаш, саралаш ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Тажрибаларимиз олдида қўйилган мақсад қорақўл қўзиларининг ўсиши ва ривожланишида она қўйларнинг сут маҳсулдорлиги ҳамда нуклеин кислоталар миқдорлари бўйича корреляцион боғлиқликлар аниқланди (6-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўришиб турганидек, агарда янги туғилган қўзиларнинг тирик вазнлари қонидаги нуклеин кислоталарнинг миқдори билан корреляцион боғлиқликка эга бўлишсада, бу кўрсаткич қўзиларнинг 4 ойлик бўлган даврларида (оналаридан ажратилиш даврида) корреляцион боғлиқлик номоён бўлади ва у етарлича ишонарли эканлиги аниқланди ( $r=0,43$ ,  $p<0,001$ ).

Шундай қилиб нисбатан кўп сонли ҳайвонларда она қон зардобидаги нуклеин кислоталар миқдори ва қўзиларнинг ўсиши орасида корреляцион боғлиқлик аниқланди ( $r=0,39$ ,  $p<0,001$ ). Бу шундан далолат берадики, сут эмизаётган она қўйларнинг сутдорлигининг намоён бўлишида нуклеин кислоталарнинг аҳамияти муҳим эканлигидан далолат беради.

6-жадвал

**Котелидон тўқимаси ва қондаги нуклеин кислоталар миқдорини тўғилган қўзилар билан боғлиқлиги**

Туғилиш типи (якка ёки эгиз)	n	Котелидон тўқимаси таркибидаги нуклеин кислоталар миқдори, мг % 100 мг, қуруқ ёғсизлантирилган тўқимаси			Қон таркибидаги НК миқдори, мг %
		РНК	ДНК	РНК/ДНК	
<b>Урғочи қўзилар</b>					
Якка	45	1740,12±23,2	959,05±12,28	1,81±0,03	24,50±0,51
Эгиз	14	22228,9±6,31	1189,5±16,93	1,87±0,06	31,57±0,67
<b>Эркак қўзилар</b>					
Якка	26	1704,75±54,2	964,74±32,2	1,72±0,06	26,14±0,41
Эгиз	4	2054,85±46,6	1195,88±31,4	1,77±0,05	33,14±0,56

Маълумки, қондаги нуклеин кислоталар миқдори ҳайвонлар ўсиш интенсивлиги билан узвий боғлиқликка эга. Биз олиб борган тадқиқотларда қорақўл қўзиларининг ўсиш суръатларини назорат қилиб бориши имкони мавжуд бўлди. Қон таркибидаги нуклеин кислоталар миқдорлари тадқиқот натижаларига кўра эгиз туғилган қўзиларни она қўйлар билан таққосланганда эгиз туққанларида ёлғиз қўзиларга нисбатан кўплиги кузатилди. Бироқ асосий гуруҳлар ўртасидаги фарқ жинслар бўйича аниқланди ва ранглар бўйича фарқ кузатилмади. Қўзилар 8 ойлик ёшга етганда тадқиқотлар ўтказиш учун яна қон намуналари олинди. Қон зардобидаги нуклеин кислоталар натижалари жадвалда келтирилган. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики эгизак ва ёлғиз туғилган қўзилар ўртасида нуклеин кислоталар нисбатлари бўйича уларнинг ота-оналарида қайд этилганидек қон зардобида нуклеин кислоталар миқдорлари корреляция қилинганда кескин фарқ борлиги кўсатади (7-жадвал).

